БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 249 (17.531). • 28 октябрь 1979 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Олий Советини чақириш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўнинчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг иккинчи сессияси 1979 йил 28 ноябрь куни Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1979 йил 26 октябрь.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 62 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

МАТБУОТИМИЗНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ

Янги жамият қурилишининг ҳамма босқичларида ленинчи партиямиз қудратли идеология қуроли, омманн коммунистик руҳда тарбиялаш ва уюштиришнинг, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг ноёб воситаси бўлмиш совет матбуотини ривожлантиришга жуда катта аҳамият бериб келди ва бермоқда. КПСС XXV съезди ҳозирги замон шароитида матбуот материалларининг ғоявий савияси ва таъсирчанлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этишинн уқтириб ўтди.

«Ҳозир совет кишиси сиёсий жиҳатдан ҳар қачонгидан ҳам саводли ва активдир, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг 1978 йил ноябрь Пленумида. — У оммавий ахборот воситаларига нисбатан ҳақли равишда юксак талаблар қўймоқда. Иш сифатини, самарадорлигини ошириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш — идеология фронти ходимларининг бурчидир».

Бизнинг босма ва радио-телевизион пропагандамиз савиясини коммунистик қурилишнинг янги миқёсларига, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган маълумоти ва маданиятига, халқаро майдондаги идеология курашининг кескинлашганлигига мувофиқ ҳолга келтириш — шу куннинг жанговар вазифасидир. Бу талаб КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида яна янги куч билан янгради. Бу қарорда матбуотимиз фаолиятини такомиллаштиришнинг муфассал программаси баён этилган.

Идеология ходимларининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши оммавий ахборот воситаларининг Марказий Комитет қарорини пропаганда қилиш ва амалга оширш учун кураш ташаббускорлари бўлиб чиқаётганликларини қайд этди. Газеталар, телевизион кўрсатувлари, радио программалар мазмунан чуқур, мароқли, ўткир ва, айниқса, муҳими — инсон қалбига яқин бўлиб қолди. Проблемаларни кўтарувчи ва таниқид қилувчи йирик материаллар, хилма-хил мавзудаги хабарлар кўпроқ пайдо бўлмоқда, ўқувчиларнинг хатларидан яхшироқ фойдаланилмоқда. Аммо буларнинг ҳаммаси — ишнинг бошланиши холос; матбуот чиқишларининг мазмундорлиги, оперативлиги, партиявий эҳтиросилигини, унинг одамларга таъсирини анча кучайтириш учун жуда кўп иш қилиниши керак.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг таъсирчанлиги аввало илғор тажрибани тушунарли тарзда очиб бериш, уни оммалаштиришга ёрдам бериш маҳорати билан боғланган. Намуна кучи — социалистик мусобақани ривожлантиришнинг, иш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бироқ ҳали ҳам шу мавзудаги материаллар баъзан зерикарли баёнчилик услубида ширасиз тил билан ёзилмоқда, анализ доираси тор, илғор иш методлари, ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ташкил этиш ўзаро боғлиқлиги кўрсатиб берилмаяпти. Иккинчи томондан, партия комитетлари, совет ва хўжалик ташкилотларн новаторларнинг тажрибасинн тарғиб қилувчи матбуот материалларига ҳамиша ҳам эътибор билан қараётганлари йўқ, журналистларнинг ўзи эса баъзан жуда муҳим мавзуда актив изчиллик ва сабот кўрсатмаяптилар.

Айрим матбуот органларн ҳал этилмаган муаммоларни ва қийинчиликларни ёритишда, социалистик турмуш тарзига зид бўлган, олға томон қилаётган ҳаракатимизга халақит берэётган ҳамма иллатларга қарши курашда бирмунча пассивлик қилмоқдалар. Ҳолбуки омманинг жанговар ташкилотчиси ва тарбиячиси бўлиш роли матбуотдан, телевиденне ва радиоэшиттиришдан жамоатчиликни қизиқтирувчи масалаларни унинг ҳукмига дромо ҳавола қилиб туришни ва янги, илғор тажрибаларни қарор топтиришб, камчиликларга аёвсиз ўт очишни тақозо этади. Бундай чиқишларнинг салмоқлилиги аввало ҳаққонийлик ва далиллар билан исботланганликка, фактларга ҳар томонлама баҳо беришга, муаммоларни ўз вақтида кўтариб чиқишга боғлиқ. Бу нарса таниқдни партия комитетлари қўллаб-қувватлашига боғлиқ албатта.

Маълумки, В. И. Ленин матбуотнинг таниқдий сигналларига расман эмас, балки амалий, оқилона жавоб бериш мажбурий эканини таъкидлаган эди. КПСС Марказий Комитети шу йўлни қатъият билан муттасил ўтказиб келмоқда. Бироқ айрим партия, совет, хўжалик органларининг ишида ҳамон таниқдга нотўғри муносабатда бўлиш кўринишлари содир бўлиб турибди. Баъзан таниқдни оғизда эътироф қиладилар-у, аҳволни тезроқ тузатиб олиш учун ҳеч иш қилмайдилар. Ёки, айтилган таниқднинг ҳаққонийлигини рад эта олмай, мақола авторига доғ туширишга уринадилар. Шундай ҳам бўладики, таниқдий чиқишнинг моҳиятидан чалғитиб, ҳатто редакциянинг йўлини шубҳа остига қўя бошлайдилар, яққол кўринib турган камчиликларга принципиал муносабат тўғрисида гап бораётган жойларда «хусумат» қидирадилар.

Мана шу таҳлитдаги ҳар қандай уринишларга ўткир партиявий баҳо берилиши керак. Аммо журналистларнинг ўзларига ҳам кўп нарса боғлиқ: ҳали ҳам баъзан улар берилиб кетаётган юзаки ўткирлик ва ваҳима кўтарши материалларнинг самоғини пасайтиради. Таниқдий сўзнинг сафарбарлик кучи, унинг аниқ адреси ва амалий ҳарактери — энг асосий мезондир.

Матбуотда кун сайин эълон қилинадиган ахборотнинг аҳамияти жуда катта. Газета ва журналларнинг саҳифаларидаги, телевиденне кўрсатувн ва радиоэшиттиришларидаги ахборот мазмунини бойитиш билан бирга, бу ишнинг сифати ва оперативлигини кучайтириш лозим. Партиянинг ахборотни табақалаштириб тарқатиш ва матбуот органларнинг ўз «қиёфаси», ўз асосий мавзулари доираси бўлиши зарурлиги, ранг-баранг жанрлардан фойдаланиши, материалларнинг услуби ва тили тўғрисида ҳамхўрлик қилиши ҳақидаги талаби ҳали тўла-тўкис рўёбга чиқарилганича йўқ. Ташқи сиёсий ахборотни йўлга қўйишга алоҳида эътибор бериш лозим, бу ахборот юксак даражада оператив ва ишончли бўлиши, конкрет анализ қилиниши ва мафкуравий душманга қарши ҳужумкор бўлиши керак.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг фаолиятига омилкорлик билан раҳбарлик қилиш — ҳозир партия комитетлари учун бу ишнинг самарадорлигини муттасил оширишни тақозо этади. Бу иш журналистларнинг ғоявий етуклигини, принципиаллигини ва профессионал масъулиятини кучайтириш билан бевосита боғликдир. Уларнинг ҳар бири юксак маънавий-сиёсий ва ишчанлик фазилатларига, ахлоқий куч-ғайратга, энг муҳими эса — коммунистик эътиқод ва жиддий билимларга эга бўлиши зарур. Партия комитетларининг секретарлари редакцияларнинг планларини синчиклаб ўрганаётган, ижодий проблемаларни муҳокама қилиш учун журналистлар билан мунтазам равишда учрашиб турган, уларнинг ўқишини ташкил этаётган, матбуотнинг обрў-эътиборини жонкуярлик билан мустаҳкамлаётган жойларда тўғри иш тутилмоқда.

Матбуотимиз, телевидение, радионинг таъсирчанлигини янада ошириш — бутун идеология ишини такомиллаштиришнинг жуда муҳим бўғинларидан биридир. Омманн тарбиялаш ва уюштириш иши янада муваффақиятлироқ давом этаверсин!

(«Правда» газетасининг 27 октябрь сонидаги бош мақоласи).

БУХОРО ОБЛАСТИ. Қизилтепа районидаги «Москва» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Худоёр Сулаймонов бошлиқ бригадаси аъзолари республикада биринчилар қатори пахта тайёрлаш икки йиллик планини бажариб, мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшириқдалар. Суратларда: бригадир Х. Сулаймонов пахтазорда ҳамда машина теримн пайти.

Р. Ғафуров фотолари. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК!

● ИККИ РАЙОН РАПОРТИ

Қорақалпоғистон Автоном Республикасида яна бир район — Чимбой райони пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. Қабул пунктига 26 минг 555 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Районда машина терими қизғин олиб борилмоқда. Механизаторлар топшириқни 109 процент қилиб бажардилар. 13 бўлим ва бригада шу кеча-кундузда оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Чимбойликлар Улуғ Октябрь байрамигача давлатга яна 6500 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилдилар.

* * *

Бўка райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш ҳалқ хўжалик планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Қабул пунктларига 62 минг 700 тонна биринчи навли пахта етказиб берилди.

Бу ғалабага 50 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» териб берган механизаторлар салмоқли улуш қўшишди. «Пўлат от» суворийларидан — С. Усеинов, И. Муртазоев, Х. Хўжаев, П. Асроров, Х. Усмонов, А. Ўрозбоев, М. Раҳматуллаевларнинг ҳар бири 300—350 тонна «оқ олтин» териб беришди.

Районда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Гулаҳмедова раҳбарлик қилаётган — гектаридан 50—60 центнердан хирмон кўтариш ташаббускорлари жуда кўп. «Октябрь 40 йиллиги», Ильич номли колхозлар ва «Кўкорол» совхози механизаторлари бу ибратли ташаббусни қўллаб-қувватлашди.

Улуғ Октябрь байрамига қадар район пахтакорлари давлатга яна 7300 тонна «оқ олтин» армуғон этиб, бу соҳадаги умумий кўрсаткични 70000 тоннага етказишга аҳд қилишди.

● СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Фрунзе районидаги Жданов номли совхозининг М. Тўйчиев бошлиқ бригадаси саршунослари Фарғона областида биринчилар қатори социалистик мажбуриятларни шараф билан бажардилар. Аҳил коллектив ҳар гектар майдондан 50,3 центнердан дурдона йиғиштириб олди. Бригада пахтакорлари ялпи ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Шу кеча-кундузда Фарғона областида жами юздан зиёд пахтачилик бригадалари план-топшириқларини муваффақиятли бажариб, социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар.

● ГУЛИСТОНЛИКЛАР ЗАФАРИ

Гиждувон районидаги «Гулистон» колхози меҳнат аҳли бу йил ҳар гектар майдондан 52 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқда. Улар давлатга пахта топшириш ҳалқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар. Қабул пунктларига 5000 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди.

● БАЙРАМГА СОВҒА

Қашқадарё области пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 62 йиллик байрамини мунасиб совғалар билан кутиб олмоқдалар. Қарши районидаги Собир Раҳимов номли ва Қамаши районидаги «Гулистон» совхозларининг пахтакорлари пахта топшириш планини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Собир Раҳимов номли совхоз саршунослари ял хирмонига 4800 тонна, «Гулистон» совхози пахтакорлари эса 4307 тонна пахта етказиб бердилар.

● МАРРАДАН УЗГАНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Сурхондарё областида яна 14 бригада ва 3 бўлим пахта тайёрлаш планини бажарганликлари тўғрисида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Пешқадам бўлимлар сафида Термиз районидаги «Гулбаҳор» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бозор Раҳмонов бошлиқ бўлими ҳам бор. Бу ерда 90 процент ҳосил машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Умуман областда бугунгача 476 бригада, 38 бўлим ва 6 та совхоз социалистик мажбурият ҳисобига дур топширмоқда.

Шу областдаги Ғазғирон районидаги Абдулла Набиев номли совхоз меҳнаткашлари давлатга 6710 тонна «оқ олтин», шу жумладан 5600 тонна илак пахта тортик этдилар. Ҳўжалик саршунослари яна 2000 тонна пахта йиғиштириб олишмоқчи.

● МАШИНА ТЕРИМИ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Андижон область Балиқчи районидаги М. Горький номли совхоз механизаторлари машинада пахта териш планини муддатидан илгари бажардилар. 85 та агрегатда жами 7600 тоннадан зиёд «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Ҳўжалик механизаторлари жами ҳосилнинг 90 процентини агрегатлар ёрдамида териб олиш учун курашмоқдалар.

● КОМСОМОЛЛАР ЕТАКЧИСИ — РУЛДА

Ленин комсомоли ташкил топган кун шарафига ВЛКСМ XVIII съезди делегати. Гулистон район комсомол комитетининг биринчи секретари Саодат Тоштемирова муносиб меҳнат совғаси тайёрлади. У бу йилги меҳнат отпускасида ҳам агрегат рулига ўтириб, «Коммуна» колхозида пахта терди. Саодатнинг бугунгача эл хирмонига топширган пахтаси 180 тоннани ташкил этди.

● МЕХАНИЗАТОРЛАР ИБРАТИ

Хоразм областининг моҳир механизаторлари ҳар куни ўз агрегатлари бункеридан 9—9,5 тоннадан «оқ олтин» бўшатишга эришмоқдалар.

Область механизаторлари мусобақасида Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхозидан Нурмамат Шерматов ва Боғот районидаги «Коммуна» колхозидан республикада хизмат кўрсатган механизатор Халима Ҳошимовалар пешқадамлик қилишмоқда. Улар ҳозиргача 300 тоннадан «оқ олтин» теришга эришдилар. Халима Ҳошимова бу кўрсаткични 400, Нурмамат Шерматов эса 350 тоннага етказмоқчи.

ОЛТИН ҚЎЛЛАР ЖАСОРАТИ

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 27 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

ҚҚАССР	2,45	92,97	2,86	79,73
Бухоро	2,07	88,97	3,06	66,31
Қашқадарё	1,89	87,26	2,01	59,46
Сирдарё	1,67	83,47	1,63	78,41
Тошкент	2,35	83,12	2,66	75,93
Сурхондарё	1,30	79,10	0,89	50,46
Жиззах	2,57	73,34	2,58	74,75
Хоразм	2,50	66,79	3,99	51,51
Наманган	1,29	62,61	1,67	57,11
Фарғона	1,08	60,45	0,98	31,93
Андижон	1,33	59,89	1,71	45,80
Самарқанд	2,60	47,81	2,19	31,10
Республика бўйича:	1,85	71,99	2,13	57,58
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1,30	69,07	0,86	46,73
Бухоро	2,86	55,14	0,85	12,02
Қашқадарё	2,32	54,05	2,36	43,67
Наманган	1,58	41,02	—	11,67
Республика бўйича:	1,75	63,01	1,33	42,69

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Бўка райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Исломов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қодиров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Муҳаммаджонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Содиков, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Ёқубов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шукруллаев;

Чимбой райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Жумамуродов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абибуллаева, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Сейтназаров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жондавлатов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Айтмуротов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Утемуродов.

ПОЙТАХТЛИКЛАР ЗАФАРИ

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, саноат маҳсулотини реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1979 йил ўн ойлик давлат планини муддатидан илгари — 25 октябрда бажардилар.

Улуғ Октябрнинг 62 йиллиги шарафига шаҳарнинг меҳнат коллективларида авж олдирилган социалистик мусобақа планлан ташқари машина ва приборлар, электр энергияси, кийим-кечак, трикотаж, ип газлама ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўзининг моддий ифодасини топди. Шаҳардаги саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари Улуғ Октябрь байрамини муносиб кутиб олишга интилиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари жиҳатидан беш йилликнинг тўрт йили дражасига барвақт — 15 октябрда эришдилар.

Шаҳардаги саноат корхоналари, цехлар, бригадаларнинг илғор коллективлари партия даъватига жавобан ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ҳар томонлама ошириш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш асосида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашга интилиб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажариш юзасидан ўз зиммаларига янги социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

АВТОМОБИЛЧИЛАР БАЙРАМИ

Ташилаётган юкларнинг 80 процентидан кўпроғи ва пассажирларнинг қарийб 70 проценти мамлакат автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келади.

Автомобиль транспорта ходимлари кунига бағишланган тантанали кечада тармоқ беш йиллик вазифаларини қандай ҳал этаётганлиги, ички резервлардан қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисида гапирилди. Тантанали кеча 26 октябрь куни Москвада ўтказилди.

Президиумда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесечко, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. С. Симонов, пойтахт жамоатчилигининг намояндалари бор эди.

РСФСР автомобиль транспорти министри Е. Г. Трубицин доклад қилди. (ТАСС).

СССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

САНОАТИМИЗНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

СССР саноатида давлат планининг 1979 йил тўққиз ойи мобайнидаги бажарилиш якунлари тўғрисида

Саноат ходимлари социалистик мусобақани авж олдириб ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллигини кутиб олишга ҳозирлик кўриб, январь—сентябрь ойларида ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни таъминладилар.

Умуман саноатда маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан бирлашмалар ва корхоналар учун белгиланган план бажарилди. Саноат ишлаб чиқаришн ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 процент кўпайди. Ўртача суткалик ишлаб чиқариш 3,7 процент ортди.

Меҳнат унумдорлиги 2,4 процент кўтарилди; шунинг ҳисобига саноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг тўртдан уч қисмига яқини таъминланди. Фойда кўпайди.

Айрим министрликлар ва иттифоқдош республикаларда маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган планнинг бажарилиши, ишлаб чиқаришни ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

Умуминттифоқ ва иттифоқ-республика министрликлари ҳамда идоралари	маҳсулот реализация қилиш тўғриз ойлик планининг бажарилиш процента	1979 йилнинг тўққиз ойида 1978 йилнинг тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Энергетика ва электрлаштириш	100,9	103	102
Нефть саноати	99,5	103	102
Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати	97	102	100,9
Газ саноати	103	112	109
Кўмир саноати	99	100,2	98
Қора металлургия	98	100	100,1
Рангли металлургия	99,6	100,2	99,3
Химия саноати	95	101	99,3
Энергетика машинасозлиги	100,3	105	104
Оғир ва транспорт машинасозлиги	100,1	102	102
Электротехника саноати	100,6	104	103
Химия ва нефть машинасозлиги	101	106	105
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати	99,1	108	106
Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари	101	109	108
Автомобиль саноати	100,3	107	106
Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	100,1	104	103
Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлик	100,2	107	104

(Давоми иккинчи бетда).

САНОАТИМИЗНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Йўл ва коммунал машинасозлик	100,9	104	104
Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари	99,9	104	103
Ўрмон ва ёғочсозлик саноати	95	98	99
Целлюлоза-қоғоз саноати	91	94	93
Бинокорлик материаллари саноати	96	99,8	99,7
Енгил саноат	100,2	101	102
Озиқ-овқат саноати	101	103	102
Гўшт ва сут саноати	100,2	100,8	99,1
Балиқ хўжалиги	103	103	103
Тайёрлаш	102	103	102
Медицина саноати	100,4	108	106
Микробиология саноати бош бошқармаси	101	105	102

Иттифоқдош республикалар (иттифоқ қарамоғидаги саноат ҳам шу ҳисобга киради).	маҳсулот реализация қилиш тўғриз ойлик планининг бажарилиш процента	1979 йилнинг тўққиз ойида 1978 йилнинг тўққиз ойига нисбатан	
		ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
РСФСР	99,7	102,8	102,3
Украина ССР	100,1	102,9	101,6
Белоруссия ССР	100,6	107,3	104,4
Ўзбекистон ССР	100,4	102,8	99,4
Қозоғистон ССР	99,9	102,8	101,0
Грузия ССР	101	107,0	105,5
Озарбайжон ССР	102	108,8	105,6
Литва ССР	101	103,1	101,8
Молдавия ССР	100,1	106,4	104,1
Латвия ССР	101	100,4	100,3
Қирғизистон ССР	100	104,0	102,3
Тожикистон ССР	102	108,2	105,2
Арманистон ССР	101	107,8	103,1
Туркманистон ССР	102	97,2	94,1
Эстония ССР	101	103,0	102,5

Маҳсулотларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1979 йилнинг тўққиз ойида ишлаб чиқарилди	1979 йилнинг тўққиз ойида 1978 йилнинг тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида
Электр қуввати — миллиард киловатт-соат	904	103
Нефть (газ конденсати ҳам шу ҳисобга киради) — миллион тонна	435	103
Газ — миллиард кубометр	299	109
Кўмир — миллион тонна	540	100
Пўлат — миллион тонна	112	98
Қора металлар прокати (тайёр маҳсулот) — миллион тонна	77,3	98
Пўлат қувурлар — миллион тонна	13,5	103
Минерал ўғит (шартли бирликларда) — миллион тонна	71,1	96
Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари (шартли бирликларда) — минг тонна	363	97
Олтингугурт кислотаси — миллион тонна	16,5	99,5
Синтетик смола ва пластмасса — миллион тонна	2,6	98
Химиявий тола ва иплар — минг тонна	830	99
Автопокришкалар — миллион дона	44,8	101
Турбиналар — миллион киловатт	14,3	104
Турбиналар учун генераторлар — миллион киловатт	13,1	101
Ўзгарувчан ток электр двигателлари — миллион киловатт	37,8	102
Металл қирқиш станоклари — миллион сўмлик	1.386	106
Шу жумладан рақамли программа асосида бошқариладиган станоклар — минг дона	6,0	109
Темирчилик — пресс машиналари — миллион сўмлик	408	110
Приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг запас қисмлари — миллиард сўмлик	3,6	112
Ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг запас қисмлари — миллиард сўмлик	2,8	116
Домна, пўлат эритиш ва прокат машина-ускуналари — миллион сўмлик	222	105
Нефть аппаратлари — миллион сўмлик	147	108
Химия асбоб-ускуналари ва уларнинг запас қисмлари — миллион сўмлик	556	105
Енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология машина-ускуналари ва уларнинг запас қисмлари — миллион сўмлик	965	103
Магистрал тепловозлар — миллион от кучи	2,8	96
Магистрал электровозлар — миллион от кучи	2,6	99,5
Магистрал юк вагонлари минг дона	48,8	96
Автомобиллар — минг дона	1.617	100,5
Шу жумладан: Юк автомобиллари	576	102
Енгил автомобиллар	982	99,8
Тракторлар — минг дона	410	96
Қишлоқ хўжалик машиналари — миллиард сўмлик	2,0	106
Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар — миллиард сўмлик	1,5	106
Дон комбайнлари — минг дона	84,2	101
Пахта териш машиналари — минг дона	6,8	100,6
Экскаваторлар — минг дона	31,3	101
Иморатбоп ёғочлар (колхозлар тайёрлаган ёғоч бу ҳисобга кирмайди) — миллион тиғиз кубометр	203	93
Қоғоз — миллион тонна	3,9	95
Цемент — миллион тонна	91,8	96
Тайёр темир-бетон — миллион кубометр маҳсулот	89	97
Ҳамма турдаги газламалар — миллиард квадрат метр	8,0	100
Тикилган буюмлар — миллиард сўмлик	16,0	104
Ички ва устки трикотаж — миллиард дона	1,2	102
Чарм пойафзал — миллион жуфт	545	99,5
Гўшт (саноат ишлаб чиқаргани) — миллион тонна	7,0	101
Колбасалар — миллион тонна	2,3	100,7
Балиқдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, балиқ консервалари ҳам шу ҳисобга киради — миллиард сўмлик	3,7	104
Мол ёғи — миллион тонна	1,1	96
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисобланган — миллион тонна	18,9	100,4
Жирли пишлоқ — минг тонна	573	103
Маргарин маҳсулоти — минг тонна	918	105
Кондитер маҳсулоти — миллион тонна	2,7	102
Консервалар — миллиард шартли банка	12,3	108
Омихта ем — миллион тонна	44	105
Соатлар — миллион дона	48,2	103
Чинни — фаянс ва майолика идишлар — миллион сўмлик	527	103
Навли идишлар (шиша ва биллур) — миллион сўмлик	637	105
Радиоприёмник ва радиолалар — миллион дона	6,2	96
Телевизорлар — миллион дона	5,4	101
Шу жумладан рангли тасвирни қабул қилувчи телевизорлар	1,3	129
Холодильниклар — миллион дона	4,5	99
Кир ювиш машиналари — миллион дона	2,7	98
Мотоцикл ва мотороллерлар — минг дона	804	99
Мебель — миллиард сўмлик	4,1	103

Газ қазиб олиш, приборлар, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, қишлоқ хўжалик машиналари, нефть аппаратлари, тикилган маҳсулотлар, маданий-маиший буюмлар ва рўзғор асбоблари ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани ошириб бажарилди.

Айрим министрликлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, жамғарма тўплаш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармадилар.

Нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, кўмир қазиб чиқариш, қора металлариинг тайёр прокати, минерал ўғит, иморатбоп ёғоч, қоғоз ва маҳсулотларнинг бошқа айрим турларини ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани бажарилмай қолди. Оғир ва транспорт, химия ва нефть машинасозлиги, электр-техника ва автомобиль саноати ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда корхоналари тузилган шартномаларга ва нарядларга биноан истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришни тўла-тўкис таъминламадилар.

Бир қанча тармоқларнинг ишидаги техника-иқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати бир мунча яхшиланди. Маҳсулотнинг икки мингдан зиёд янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарила бошланди: эскириб қолган бирмунча маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўхтатилди. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 процент кўпайди.

Корхоналар ва бирлашмаларнинг коллективлари социалистик мусобақа давомида қўшимча резервларни қидириб топиш, мавжуд камчиликларни тугатиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини яхшилаш тадбирларини амалга оширдилар.

СССР Марказий статистика бошқармаси

Материаллар тўплами

«Германия Демократик Республикаси ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясининг ГДРга визити» тўплами босилиб чиқди. Тўпламда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг 1979 йил 4—8 октябрь кунлари расмий дўстона визит билан ГДРда бўлиши билан боғлиқ нутқлар, ҳужжатлар ва материаллар бор.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этди.

(ТАСС).

Ангрен ГРЭСи коллективи томонидан йил бошидан буён пландан ташқари 7 миллион киловатт-соатдан знёд электр қуввати ҳосил қилинди. Суратларда: 1. Энг илғор машинистлардан А. Сотниченко. 2. ГРЭСнинг бошқарув пульти.

Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).

29 октябрь—Ленин комсомоли туғилган кун

ЖАНГОВАР ЁШЛИК

Инқилоб ғалабаларидан сўнг доҳий Ильич ташаббуси билан тузилган комсомол катта ва шарафли йўлни босиб ўтди. Комсомол коммунистлар, мамлакатимиз меҳнат аҳли билан граждан уруши фронтларида душманга қарши курашди. Дастлабки беш йилликлар меҳнат жабҳасида жасорат кўрсатди. Улуғ Ватан уруши йилларида жасур ёшларнинг ишлари Ватанимиз тарихий солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Урушдан кейинги тикланиш даврида, янги ерларни ўзлаштиришда, саноат ва қишлоқ хўжалик комплексларини юзага келтиришда комсомол актив қатнашди. Коммунистик партия ва совет халқининг шонли анъаналарига содиқ бўлган 70-йиллар комсомоллари кекса авлод ишини муносиб давом эттирмоқда. Шу боис унинг байрогида олти мукофот — олти орден чўғдек порлаб турибди.

— Эртага Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг туғилган куни. Комсомол миллионлаб йигит-қизларни революция ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялади. ёшлар учун ҳақиқий чиниқиш мактабига айланди. Унда вояга етган кишилар бугунги кунда ишлаб чиқариш илғорлари, партия ва совет органларининг ходимлари, коммунизм бунёдкорларидир.

Ленин комсомоли сафига 38 миллионга яқин йигит ва қиз бирлашган. Улар КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида жонбозлик кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган ёркин нутқи комсомолларнинг жанговар иш программасига айланиб қолди.

ВЛКСМнинг жанговар отряди бўлган Ўзбекистон комсомоли ҳам шонли солномага муносиб саҳифалар битмоқда. Ўзбекистон комсомолининг вакиллари Ноқоратупроқ зонада, Иттифоқ ва республикамизнинг зарбдор қурилишларида пахтазорларда жавлон урмоқдалар.

Пахтачилик ва чорвачиликни комплекс механизациялаш, маккажўхори етиштиришдек зарбдор ишлар оташқалб комсомоллар оталигидадир.

Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви, коммунизм ёш бинокорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли! — КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь 62 йиллигига Чакиришдаги ана шу даъваткор сўзлар йигит ва қизларимизни янги зафарларга чорламоқда.

Бугун—автомобиль транспорти ходимлари куни

ЗАРБДОР РЕЙСЛАР

Чор-атрофга боқинг. Кундузи ва кечаси, қаҳратон совуқ ва жазирама иссиқда, мураккаб трассалар ва шаҳарнинг гавжум кўчаларида қудратли юк машиналари ва қулай, шинам автобуслар, автопоездлар ва енгил машиналар ошиқади. Миллион-миллион мутахассислар мамлакатнинг ана шу тўхтовсиз транспорт конвейерига сидқидилдан билан хизмат кўрсатмоқдалар. Бугун совет кишилари оғир, аммо шарафли касб эгалари — автомобиль транспорти ходимларининг анъанавий байрамини тантанавор нишонламоқдалар.

Хўш, серқуёш Ўзбекистон автотранспортчилари бу кунга қандай меҳнат совғалари билан келдилар!

Ғ. ЖАҲОНГИРОВ, автомобиль транспорти ва тош йўллар ишчилари касаба союзи республика комитети раиси:

— Республикамиз автомобиль транспорти министрлиги корхоналарининг коллективлари байрамни муносиб ютуқлар билан кутиб олдилар. Улар КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, Улуғ Октябрнинг 62 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдирган ҳолда ўнинчи беш йиллик тўртинчи йилининг тўққиз ойлик планини муваффақиятли адо этдилар. Пландан ташқари 2 миллион тоннага яқин халқ хўжалик юклари ҳамда 29 миллион нафардан зиёд йўловчи ташилди. 5 миллион 300 минг сўмдан кўп фойда олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг катта ёрдами, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари олиб бораётган ташкилий-сиёсий иш, социалистик мусобақанинг кенг авж олганлиги, янги илғор иш усулларининг жорий этилиши беш йиллик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда «Ўзлар ташаббуси» кенг қулоч ёймоқда.

Республика автотранспортчилари Москва шаҳри ишчиларининг шахсий беш йиллик топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажариш ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаганликлари — улар сиёсий ва меҳнат активлигининг яна бир намунасидир. 1980 йил 22 апрелгача 5853 ҳайдовчи ва 14 нафар ремонт ишчиси ўзларининг беш йиллик нормаларини адо этишга сўз бердилар.

З. ҚАҲҲОРОВ, Наманган шаҳридаги 8-автобаза директори:

— Корхонамиз асосан республика Қишлоқ қурилиши министрлиги объектларига хизмат кўрсатмоқда. Кўп эмас, 160 тадан ортиқ юк машинасига эгамиз. Улар олтита бригадага биркитилган. Ҳар қайси бригада малакали шоферлар, созловчи слесарлар, инженерлик хизмати билан мукаммал таъминланган. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ўстиришга, ҳайдовчиларга қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришга имкон бермоқда. Масалан, Эргашбой Салимов, Борис Катановлар етакчилигидаги бригадалар уч кварталдан буён социалистик мусобақада голиблик байрогини қўлларида маҳкам тутиб келмоқдалар.

Автохўжалигимизда ҳаракатдаги составдан фойдаланишнинг энг рационал системаси ишлаб чиқилди ва жорий қилинмоқда. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, бригада аъзолари ўртасида вазифалар аниқ белгиланиб, ҳар бир шоферга жорий ва перспектив плантопшириқлар берилади. Ҳар қайси сменанинг иш натижалари ўз вақтида таҳлил қилиниб, навбатдаги сменада бажариладиган вазифаларга аниқликлар киритилади. Шу тариқа машиналарнинг бўш, юксиз қатновига чек қўйилмоқда, ёқилғи ва мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланишга кенг имкониятлар очилмоқда.

Ҳ. АБДУЖАББОРОВ, Бекободдаги 16-автомобиль корхонасининг Ленин ордени ҳайдовчиси:

— Тажриба фақат ишчилар ўртасида туғилган ва уларга яқин таниш ташаббусларгина кенг қўллаб-қувватланишини кўрсатмоқда. Шу сабабли СССР Давлат мукофоти лауреати москвалик Федюнин бошлиқ ҳайдовчилар бригадасининг ташаббусини зўр қизиқиш билан кутиб олдик. Мазкур бригада автомобиль транспортида биринчи бўлиб бригада усулида ишлай бошлаган эди.

Ҳозирги вақтда республикамизда ўз сафига 2 минг 700 кишини бирлаштирган 180 та бригада ана шу усулга ўтиб ишламоқда. Улар томонидан ташилаётган юк умумий юк ҳажмининг 20.6 процентини ташкил этмоқда. Бундай ютуққа мен бошлиқ бригада ҳам озми-кўпми ҳисса қўшаётганлигидан чексиз фахрланаман. Бу йил Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги юқори самарали иш усули ҳисобланган бригада пудратини кенгроқ жорий этиш, бригадамизнинг иш тажрибасини ўрганиш ҳамда атрофлича ёйиш мақсадида республика мактаби ташкил этди. Ҳозиргача 50 нафар ҳайдовчи ана шу мактабни битириб чиқди.

Республикамизда Одесса ва Ленинград транспортчиларининг иш усулини татбиқ этиш юзасидан ҳам социалистик мусобақа авж олмоқда. 25 та бригада 16 та темир йўл станцияси билан шартнома тузиб, ана шу усулда ишламоқда.

Ёнилғи, эҳтиёт қисм ва бошқа материаллардан тежаб қолиш, автомобилларнинг капитал ремонтсиз йўл юришини узайтириш учун авж олдирилган мусобақада ҳамкасбларимиздан 18 мингдан зиёди қатнашаётганлиги ҳам қувончлидир. Улар шу йилнинг ўтган даври мобайнида 2 миллион сўмга яқин, шу жумладан, эҳтиёт қисмлар бўйича — 880 минг сўм, ёнилғи бўйича — 596.6 минг сўм ва автомашиналар бўйича эса 489.6 минг сўмни иқтисод қилдилар.

* * *

26 октябрда Тошкентда автомобиль транспорти ходимлари кунига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Ўзбекистон автомобилчилари Ўрта Осиё ва Қозоғистон турдош корхоналарининг мусобақасида тўрт йилдан буён сурункасига биринчиликни қўлдан бермай келмоқдалар. Беш йиллик бошидан буён республикада планга қўшимча равишда 20 миллион тоннадан кўпроқ юк ва 129 миллион пассажир ташилди. Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри А. Ф. Гаврилов ўз докладида ана шу маълумотларни айтиб ўтди.

(ЎзТАГ).

МАВСУМ ГРАФИГИ БИЛАН

Олтинкўл район матлубот жамияти нон комбинатининг коллективи терим мавсумида кечаю-кундуз ишлай бошлади. Ҳар куни бу ердан дала шийпонлари ва магазинларга тажрибали нонпазлар ёпган иссиқ мазали нон, бўлочкалар ташиб турилмоқда.

Шу кунларда Андижон областида 30 та нон комбинати, новвойхона ва 400 га нон цехи янгича иш графиги билан ишлашга ўтди. Бу нарса пахта теримида банд бўлган кишиларнинг эҳтиёжини яхшироқ қондиришга имкон беради.

(ЎзТАГ муҳбири).

Отряд БАМга йўл олди

26 октябрь куни Тошкент темир йўл вокзалида: «Оқ йўл! Муваффақиятли ишлашингизни тилаймиз!» — деган сўзлар янгради. Бу сўзлар БАМга жўнаб кетган зарбдор комсомол отрядининг аъзоларига айтилган эди. Отряд составида республиканинг турли томонларидан келган ёш темирйўлчилар бор. Улар Байкал-Амур магистралининг участкаларидан бири — «Тинда—Беркакит» участкасида меҳнат қиладилар.

Отряднинг ҳар бир аъзоси ёш бўлишига қарамай, ўзининг аввалги иш жойида яхши мутахассис эканлигини кўрсатган. Искандар Иброҳимов билан Владимир Володин машинист ёрдамчилари бўлиб ишлашган. Уларнинг Андижон ва Қўнғирот станцияларидаги депосидаги меҳнати Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Тошкент станциясида ишлаган йўл бригадири Александр Власов меҳнат зарбдори номига сазовор бўлган.

(ЎзТАГ).

СССР Марказий статистика бошқармаси

Ҳамиша навқирон санъат

— Тошкентда қўғирчоқбозлик санъатининг жуда узоқ тарихи бор. Бу санъат айни вақтда турли хил кўринишларга эгадир. Соялар театри, бамбук қўғирчоқлар театри ва бошқалар шулар жумласидандир. Биринчи қўғирчоқ театри XVIII асрдаёқ ташкил этилган. Ана шу даврдан бошлаб бу санъат халқнинг орзу ва интилишларини ўзида мужассамлаштириб келди.

Бамбук қўғирчоқлар театри, айниқса, кенг ёйилган. Унинг спектакллари ўзининг ғоят мазмунлилиги, ҳаётийлиги, энг муҳими, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Бундай томошалар танаффуслар билан 1,5—2 соат давом этади. Биз фестивалга қадимги Тай элати эртаги асосида тайёрланган спектакль билан келганмиз. Унда адолат ва эзгулик кучларининг ёвуз кучлар устидан галабаси ҳақида ҳикоя қилинади.

Биз Тошкентда ўз спектаклимизни кўрсатар эканмиз, мамлакатимизда Ленинград балет театрининг гастролари давом этаётганлигини фахр билан айтамиз. Бу гастроль санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ана шу ижодий сафар вақтида Таиланд классик рақс группасининг Совет Иттифоқига гастроли тўғрисида келишиб олинади. Ишончимиз комилки, тузилажак ана шу ўзаро ижодий битим халқларимиз ўртасидаги дўстликка, ижодий камолотга ёрдам беради.

Панида СИДХИВАН, Таиланд маориф министрлигининг санъат департаменти бошлиғи.

НЕЙТРИНО ВА ЮЛДУЗЛАР

25 октябрь куни СССР Фанлар академиясининг президиумида СССР билан Италия олимлари ўртасида нейтрино астрофизикаси ҳамда космик нурлар физикаси соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги протоколни имзолаш маросими бўлди.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. Т. Зацепин бу воқеани шарҳлаб, ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Италия ва СССР олимларининг тадқиқотлари залворли юлдузлар коллапси ҳодисасини ўрганишга бағишланган. Маълумки, бундай юлдузлар ўз эволюциясининг сўнгги босқичида ё ғоят зич нейтрон юлдузларга айланади ёки «қора тешик» деб аталмиш тешикка айланади. Нейтрон юлдузлари ҳосил бўлаётганида уларнинг массаси ниҳоят даражада қисилади: модданинг бир куб километри бир неча куб сантиметрга қадар қисилиши мумкин. Бунда юлдузнинг чиқадиган қарийб бутун энергияси нейтрино оқими ҳолида тарқатилади.

Коинот қаъридан келувчи нейтринони ҳозирча олимлар қайд этишга муваффақ бўлганлари йўқ. Галактикамиздаги юлдузларда ўн йилда тахминан бир марта коллапс ҳодисаси юз берганлиги боисидан шундай бўлиб турибди.

Нейтринони ўрганиш туфайли астрофизиклар модда экстремал шароитларда ўзини қандай тутишини, юлдузларнинг қисилишида массанинг ғоятда зичланиши, юзлаб миллиард градусга борувчи ҳарорат қандай бўлишини билишларига имкон беради.

Юлдузлардан тарқаладиган нейтринони қайд этиш учун мамлакатимизда иккита ер ости астрофизик лабораторияси — Кабарда-Балқария АССРда жойлашган Баксан лабораторияси билан Украинадаги Артемовск шаҳрида жойлашган лаборатория барпо этилган. Юлдузлар тарқатадиган нейтринони ўрганишда дунёдаги кўпгина мамлакатлар олимлари олиб бораётган тадқиқотларни координациялаш зарур. Нейтрино астрофизик станцияларни планетанинг турли нуқталарида жойлашса кузатишлар ғоятда пухта чиққан, шунингдек коллапсланаётган юлдуздан чиқувчи нейтриноларнинг ер орқали ўтиш йўналишини аниқ белгилаш мумкин бўлур эди.

Имзоланган протокол залворли юлдузлардан тарқаладиган нейтринони ва космик нурларни ўрганиш борасида совет олимлари билан Италия олимлари олиб бораётган ишлар бирлаштирилиши ва координация этилишини кўзда тутади. Совет мутахассисларининг иштироки билан Италияда барпо этилаётган ер ости нейтрино астрофизик лабораторияси қўшма экспериментлар учун негиз бўлади. Лаборатория 1981 йилда қуриб битказилади, деб ўйлайман. — деди пировардида олим. — Шу лабораторияга битгач, итальян ҳамкасбларимиз биз билан биргалашиб коинотнинг сирли ҳодисасини ўрганишга киришадилар.

Москва.

ТОҒ ЧАМАНЗОРЛАРИ АСАЛИ

...Кунгабоқар тупи шамолда аста тебранади. Худди қуёшнинг ўзига ўхшайдиган бу гулга эндигина чиқиб келаётган офтобнинг илк нурлари илашиб қолди. Тонгни унинг ёлғиз ўзигина қаршиламайди. Мана, тоғ жилғасининг бўйларида ялпиз ҳиди анқиди. қоқигул юзлаб сап-сариқ баргларини ёзди. Заҳматкаш асалари кунгабоқар томон ошиқади. Унинг зар саватчасида қанчадан-қанча хушбўй бол бор. Асалари кўнгли хуш бўлиб чарх уради — ё тантанавор рақсга тушмоқда, ё шерикларини топилган бойлик томон чорламоқда. Орадан бир дақиқа фурсат ўтмасиданоқ асаларилар гулни буткул қоплаб олишди.

Инсон тоғ ён-бағрига оҳиста хўжалик қадами билан чиқди. У яқинлашуви биланоқ асаларилар елкасига ёпишиб олди. Бундай ҳужумдан бошқа киши қочиб қолган бўларди, аммо у бўлса мамнун жилмайиб турарди.

— Самад Комилов, «Чорвоқ» совхозининг асаларичи-агрономи, — ўзини таништирди у муносиб равишда.

Самад Тошкентдан мана шу тоғлар қўйнига дастлаб чиқиб келганидан буён орадан 30 йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Улуғ Ватан урушида у фашистларга қарши жанг қилди, фронтда оғир контузия бўлди. Сўнгра сершовқин Тошкентни тарк этиб, Чотқол тизма тоғларига чиқиб келди.

— Мен асалариларни яхши кўриб қолдим, — дейди Самад уйида бизни хушбўй чой ва асал билан меҳмон қилар экан. — Сизга шуни айтишим мумкинки, асаларилар менинг халоскорларим, улар мени азобли касалимга шифо бердилар. Булар — антиқа мавжудот! Ҳатто асаларининг заҳари ҳам шифобахш, ундан олинадиган мум саноатнинг қирққа яқин тармоғи учун қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади. Ўзбекистонда юз мингдан ортиқ асалари оиласи «боқилмоқда».

Ўзбекистон — пахта республикаси. Қанотли заҳматкашлар гуллардан хушбўй бол тўплаб, пахта ҳосилининг ортишига ҳам ёрдам беришади.

«Узпчелопром» бирлашмасининг бошлиғи П. Оганесян бундай дейди:

— Кўпдан буён шу нарса маълумки, асалари боқилаётган жойга яқин бўлган узумзорлар, айниқса, ғўзалар асаларичилик зоналаридан анча узоқда бўлган узумзор ва ғўзаларга нисбатан анча кўп ҳосил беради. Асаларилар ёрдамида чанглатилган ғўза ҳосилдорликни 20—25 процент оширади. Ўз навбатида асаларилар агар уларнинг уясини кўчириб туриш тўғри ташкил этилса, ғўза гулларидан гектар бошига 300 килограммгача асал тўплаши мумкин. Алмашлаб экишда ғўзадан олдинги экин ҳисобланган фақат беда бундан ҳам кўпроқ — 380 килограммгача асал беради.

— Қўрамизки, пахтачилик ва асаларичилик бизнинг пахта етиштирувчи барча республикаларимизда бирбири билан мустаҳкам алоқадор бўлиши мумкин ва зарур, — хулоса қилади П. Оганесян. — Боғлар ва экинзорларга чўллар, тоғ этаклари, дарапардаги жуда бой ранг-баранг ўтларни ҳам қўшмоқ керак. Йилнинг к... рийб тўққиз ойи давом... бизда бол тўпловчи ўсим... лар бир-бирининг ўрнин... сиб, қийғос гуллаб тур...

Бир вақтлар асалар... қиш бу ерларда якка... лар машғулоти, а... ҳаваскорлик қизиқиш... ган эди. Эндиликда... жамоат асалари... юритиш тажрибаси... ди. Кейинги олти-е... мобайнида Ўзбекис... тўртта ихтисослаш... хоз пайдо бўлди. ... ликларга раҳбарли... учун «Узплечопро... чиқариш бирлашма... ди.

Тармоқни ихти... риш ва мар... ришдаги дастлабк... лар ҳозирдаёқ ўз ... рини бермоқда. ... мисол: Намангар... хўжаликларида ил... қиз мингдан ортиқ... оиласи бор эди, а... етарлиқ самара... Асалари уялари я... да бўлиб, бунинг у... зик, муҳаббат, бил... риба талаб этадига... асалари боқиш бил... ча бу соҳадан бех... шилар шуғулла... 1977 йил кўкламида... да биринчи экспе... асаларичилик совхо... кил этилди. Совхо... Ғарбий Тянь-Шань ... ларидан. Поп райони... ганланди, колхозлард... дан ортиқ асалари ... сотиб олинди. Совх... бошлаган биринчи ... кўзда тутилган 5 м... ўрнига 27 минг сўм с... да олди. Ҳар йили сов... тоннадан асал етиш... да. Бу ерда асалар... лари тарқоқ ҳолда б... ган жойлардаги асал... лаларига қараганда ... баравар кўп бол бер...

Поп районидагига ... дастлабки тажрибала... кўрсатиб турибдики,

кистонда тўғри йўл танланган. Ҳозир янги асаларичилик совхозлари...

...ҳоқ, кўчма павильон... ...чизмалари аллақа... ...ғойиб кетди, улар... ...чи ҳозирга қа... ...ўз зиммасига ...ймизки, бу ...рувчи ор... ...ини жалб

...лар қўл... ...ани чанг... ...дан фой... ...қил... ...касал... ...андала... ...биоло... ...йдала...

илмий изланишлари алоҳида эътиборга сазовор.

— Биз гуллаб турган баланд тоғ чаманзорлари ҳаддан ташқари кўп бол беришини аниқладик, — ҳикоя қилади Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти асаларичилик бўлимининг мудири Н. Крахотин. — Ўша ерларга камида 100 минг асалари оиласини жойлаштириш мумкин. Бу ҳозир республикамизнинг барча ихтисослашган хўжаликларидаги мавжуд асалари оиласи сонига қарийб тенг келади. Институтимизда йиғма асалари павильонлари яратилди, уларни «асалари ўтовлари» деб атай бошладик. Бундай павильонлар баланд тоғ «яйлов»ларига олиб чиқиш учун анча қулай, тежамли. Энг муҳими, улар асаларичиликни индустрлаштириш йўлини очиб бе...

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ТАҲСИНГА...

...гения ДЕСНИЦКАЯ,
СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

— Улуғ Ватан уруши йиллари Тошкентда бўлган эдим. Ўша суронли йиллар ўзбек халқи фронт учун, ғалаба учун нечоғли матонат билан меҳнат қилганлиги, курашганлиги ҳамон кўз ўнгимда. Мана шунга ҳам салкам қирқ йилча бўлди. Ўтган давр ичида Тошкентнинг бу қадар кўркамлашиб кетганлиги кўнгилга қувонч бағишлайди. Бугунги Тошкент, пахтачиликдаги юксак кўрсаткичлар, умуман бугунги Ўзбекистон ўзбек халқининг чинакамига яратувчи халқ эканлигини кўрсатиб турибди. Ўзбек совет адабиёти ва санъати ҳам бизнинг кўз ўнгимизда юксак поғоналарга кўтарилди. Буни биргина Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида амалга оширилаётган улкан ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Институт олимлари ўзбек совет адабиётининг йирик намояндалари асарларини мукаммал академик нашрларини (тайёрлаб) чиқара бошлади. Ойбекнинг 19 томдан иборат мукаммал асарларининг 14 жилди, Ҳамзанинг 4 томлик, Ҳ. Олимжоннинг 10 томлик мукаммал асарларининг биринчи жилдлари китобхонлар қўлига тегди. Энг муҳими шундаки, бу эзгу иш Ўрта Осиё республикалари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда амалга оширила бошланди.

Институтда бўлганимда, беш жилдлик «Революциягача бўлган давр ўзбек адабиёти тарихи» ҳамда икки жилдлик «Адабиёт назарияси» нашр этилганлигини кўриб беҳад хурсанд бўлдим. Ўзим ҳам илм кишиси бўлганлигимдан ўзбек олимлари бу салмоқли ишларни амалга ошириш учун қанчалар изланганликларини, машаққат чекканликларини чуқур ҳис қиламан.

Айниқса, бизга институт фаолиятини янада яхшилаш ҳамда такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар жуда манзур бўлди. Яқинда республиканинг барча адабиётшунос олимлари иштирокида «Адабиёт назарияси» муҳокама этилар экан. Институтда биз уч-тўрт ой бурун чоп этилган бу фундаментал тадқиқот қайта нашрга тайёрланаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Шуни айтиш керакки, мен санаган бу қувончли фактлар кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган институт коллективи ишининг ўндан бири ҳам эмас! Ҳозирги замон ўзбек тили, луғат тузиш, диалектология бўйича, айниқса, халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш ва нашр

ҲАММА С...

Район партия комитетида бўлиб, пахта йиғим-теримининг бориши ҳақида суҳбатлашар эканмиз, давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Машарип Мавлонов бошлиқ бригада пахтакорларининг рапортини ўқиб беришди.

Ўртоқ Мавлонов бошлиқ 5-бригада аъзолари 1979 йилда 62 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта ҳосили етиштириб, она-Ватанга 372 тонна «оқ олтин» армуғон этишга сўз берганлар. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун барвақт чигит экдилар. Ердан униб чиққан ҳар туп ниҳол кўз қорачиғидек авайлаб парваришланди. Шу туфайли ғўзалар нормал ўсди ва ривожланди. Йил бўйи бригада аъзолари жон куйдириб ишлашлари натижасида мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилди.

Биз бригада бошлиғи билан биргаликда пахтазорни айланиб, ҳар бир туп ғўзани кўздан кечирар эканмиз, ғуж-ғуж лўппи пахталарни кўриб, тер тўкиб меҳнат қилган азаматларга офарин дедик.

— Мана бунга қаранг,— деди бригадир серҳосил бир туп ғўзани кўрсатар экан. Унда жуда кўп кўсак санадик. Ҳамма майдонлардаги ғўзаларнинг ҳосили ана шундай, кўнгилдагидан ҳам зиёд.

— Илгариги йилларда ҳам шундай мўл ҳосил етиштирилганми? — сўрадик бригадирдан.

— Бу йил ҳосил ўтган йиллардагига нисбатан ҳам мўл бўлди. Куз яхши келса 60 центнер эмас, ҳар гектар ердан 80 центнерга етказиб пахта териб олиш мумкин.

Пахтазор оралаб борар эканмиз, иккинчи пайкалга ўтдик.

— Қанчадан пахта тераётирсиз, синглим — деб сўрадик бир теримчи аёлдан.

— Нормани икки баравардан ошириб бажаряпман, 170—180 килограммдан пахта тераётирман. Аҳдим ўн тонна, уни ошириб бажаришга ҳаракат қиламан, — деди у.

Бригада аъзолари давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари адо этдилар. Ҳар гектар ердан 41,5 центнердан ҳосил олиб, давлат омборига 254 тонна биринчи сорт пахта топширилди. 80 процент ҳосил «зангори кема»ларда терилди. Пахта планининг муваффақиятли бажарилишига механизатор Жуманиёз Абдулниёзов муносиб ҳисса қўшди.

Шу кунларда бригада аъзолари мажбурият ҳисобига пахта топшираётирлар.

Хива районидаги «Партия XXII съезди» колхози 1107 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтариш, давлатга 4081 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Давлатга пахта топшириш ишлари бу колхозда жадал олиб борилмоқда. Колхоз ҳар куни икки ярим-уч процентдан пахта топшираётир. Хуллас, хўжаликда бутун куч теримга сафарбар этилган.

Ж. МАҲМУДОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг жамоатчи мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

БУЮК ВОҚЕА

БУЭНОС-АЙРЕС, 26 октябрь. (ТАСС). Аргентина Компартияси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқини астойдил табрикламоқда. АКП баёнотида бундай дейилади: инсоният тарихида энг буюк воқеа бўлган Улуғ Октябрь ғалабаси натижасида СССР ер юзида тинчлик таянчи, тинч-тотув яшаш сиёсатининг байроқдори, куролланишт пойгасини тўхтатиш учун кураш олиб бораётган давлат бўлиб қолди.

Ҳужжатда кескинликнинг юмшатилиши учун курашда, СҚЧ-2 шартномасини тузиш ишида Совет Иттифоқи жуда катта роль ўйнаётганлиги қайд этилди. Аргентина коммунистлари ана шу шартноманинг ратификация этилишини барбод қилишга уринаётган АҚШдаги доираларни қораламоқдалар.

Сўнгра баёнотда бундай дейилади: Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли Лотин Америкасида миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун кураш олиб бориш йўлида қулай шароитлар вужудга келди.

Аргентина коммунистлари мамлакат ишчилар синфини, бутун халқини совет халқи билан дўстона алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантиришга, демократия учун, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида, куролланишт пойгасини тўхтатиш учун, тинчлик учун курашни кучайтиришга даъват этдилар.

Улуғ Октябрга бағишлаб

КАРАКАС. (ТАСС). Совет маданияти ва фанининг Венесуэладаги дўстлари марказн Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллиги байрамига тайёргарлик ишларини авж олдириб юбордилар. Каракасда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ўтказиш мўлжаллаб қўйилган эрсий... оиласи турмушининг ҳар хил соҳалари тўғрисида ҳамда Советлар мамлакатининг катта-катта муваффақиятлари ҳақида фотовиставкалар ва лекциялар ташкил этилади, Улуғ Октябрга бағишланган кинофильмлар кўрсатилади. Октябрь революциясининг навбатдаги байрами...

НИЗОНИ ТИНЧ ҲАЛ ЭТИШГА ДАЪВАТ

ТЕҲРОН. (ТАСС). Эрон Курдистонида кейинги кунларда кескинлик бирмунча камайди. «Теҳран таймс» газетасининг хабар беришича, ҳукумат қўшинлари Моҳободни қамал қилишни бўшаштирдилар. Бу ерда аҳолини озиқ-овқат, ёқилғи ва электр энергияси билан таъминлашда мушкул аҳвол рўй берган эди.

Эрон халқ партияси (ТУДЕ) Марказий Комитети курд проблемасини тинч йўл билан ҳал этишга чақирди. Курд халқининг қонуний ва адолатли талабларини контрреволюция кучларининг қўпорувчилик фаолияти билан тенглаштириш мумкин эмас, дейилади ТУДЕ партиясининг баёнотида. Ҳар иккала томон ўт очишни тўхтатиши ва Эрон Курдистонининг бошидан кечираётган фожиасига хотима бериш учун музокаралар столи теварагига тўпланиши керак. Улар Эрон революциясини ҳимоя қилиш, курд халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, империализмга, сионизмга ва ағдариб ташланган шоҳ режими малайларига қаршилик кўрсатиш учун Эрондаги турли элатлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш зарурлигини эътироф этишлари лозим.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ГАВАНА. Кубада ҳозирги ...ақтда 608 та қишлоқ хўжалик кооперативи тузилган. Мамлакатда кооперативлаш ҳаракати, айниқса, Пинар-Дель-Рио вилоятида тез суръатлар билан бормоқда. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ 119 та кооператив ишлаб турибди.

Кубада қишлоқ хўжалиги экономиканинг муҳим тармоғи бўлиб, республика партия ва ҳукумати бу тармоқни мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқда. Кўп тармоқли комплекс қишлоқ хўжалигини барпо этиш — асосий вазифадир.

● КАНБЕРРА. Мельбурндаги портда Американинг «Гурнад» атом сув ости кемасининг бу портга киришига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Денгизчилар касаба союзлари ва ядро хавфига қарши ҳаракат уюштирган намойиш иштирокчилари «Янкилар, тўхтамай ўтиб кетаверингиз», «Ядро хавфига йўл йўқ» деган шиорлар кўтариб, портга кириб келишди.

Полициячилар намойиш иштирокчиларининг йўлини тўсиб уларни Америка сув ости кемаси келиб тўхтаган жойга йўлатмадилар.



ОБЪЕКТИВДА — ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Дрезден шаҳрининг марказидаги «Фрауэнкирх» черковининг (1734 йил) харобалари ўтган урушни эслатиб туриши ва бундан буён урушга йўл қўймаслик учун чақириқ сифатида қолдирилган.

АДН—ТАСС фотоси.

...О ОБЗОР

...лопиялари томонидан таланишини тўхтатиш учун курашаётган кишиларнинг овозлари тобора баланд ва дадил эшитила бошлади.

Қўшма Штатлар ушбу ташкилотда ўзининг аввалги таъсирини тиклаш ҳамда миллий озодлик ва революцион ҳаракатлар ривожини тўхтатиш учун Америка давлатлари ташкилотининг шу сессиясидан фойдаланишга уриниб кўрди. Ла-Пасдаги учрашув арафасида Пентагон Кариб денгизида катта куролли игвогарлик уюштириб, Кубадаги Гуантанамо базасига денгиз пиёда аскарларининг кўп минг кишилик десантини туширди. АҚШ ҳарбий қудратининг шу тахлитда намойиш этилишига ҳамма ерда Лотин Америкаси халқларини чўчитиш, суверен давлатларни қўпол суратдаги дўқ-пўписага бўй... ...ма Штатлар иштирокисиз соф Лотин Америкаси ташкилотига айлантирилсин, деди. Бу ташкилотнинг вазифаси Вашингтоннинг суиистеъмолларидан Лотин Америкасининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат, шунинг учун АҚШнинг бу ташкилотдаги аъзолиги мантиққа тўғри келмайди.

Қўшма Штатларнинг Лотин Америкасига нисбатан ўтказаётган ортиқча бож солиш сиёсати ҳам жиддий танқид қилинди ва қораланди. Аргентина ва Бразилия вакилларининг таъкидлашларича, кейинги йилларнинг ўзидагина АҚШнинг камситувчи чоралари натижасида Лотин Америкаси мамлакатлари 20 миллиард доллар чамаси пулдан маҳрум бўлдилар. Панама, Боливия ва Бразилия делегатлари Америка ҳукуматининг мавжуд

махсус халқаро битимни бузиб, ўз стратегик запасларидан жаҳон бозорига 35 минг тонна қалайи чиқариб сотиш ниятини қатъиян қоралайдилар.

Америка давлатлари ташкилотининг Ла-Пасдаги сессияси Жанубий Америка қитъасининг халқлари АҚШ империализмининг улар устидан зўравонлик қилиш йўлидаги уринишларига қатъий зарба беришга маҳкам бел боғланганликларининг яққол намойишига айланди.

ЭКСПАНСИЯЧИЛИК СИЁСАТИ ИНҚИРОЗГА УЧРАДИ

Исроилда яна сиёсий жанжал бошланди. Ташқи ишлар министри Даян қастмақастликка эшикни шарақлатиб ёпиб, истеъфога чиққанини маълум қилди. Ғарбдаги буржуа матбуоти шу воқеадан фойдаланиб, Даянни Исроил ҳукуматидаги бош министр Бегин, қишлоқ хўжалиги министри Шарон ва ички ишлар министри Бург сингари ҳаммага маълум ва машҳур қузғунларга қарши бўлган «мусича» қилиб кўрсатишга киришди.

Аслида эса Даян билан Бегин ҳукуматининг бошқа аъзолари ўртасида ҳеч қандай принципиал тафовут йўқлиги равшан. Буни Қуддусдаги матбуот конференциясида Даяннинг ўзи ҳам тасдиқлади. У Иордан дарёсининг оккупация қилиб олинган Ғарбий соҳилида ва Ғазо секторида Исроил манзилгоҳларини барпо этишни аввалгидек ёқлаб чиқди. Ҳатто Исроил қўшинлари шаҳарлардан олиб чиқиб кетилган тақдирда ҳам улар оккупация қилинган территорияларда фаластинликларнинг ишларига аралашаверишлари лозим, деб яна бир карра таъкидлади.

Бегиннинг ўзи ҳам, у бошчилик қилаётган ўнг партиялар коалициясидан иборат ҳукумат ҳам айни шу концепцияларга амал қилаётганлиги яхши маълум. Матбуот конференциясида Даян, башарти кнессетдаги оппозиция Бегин ҳукуматига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги масалани овозга қўйган тақдирда, парламент депутати сифатида Бегин учун овоз беражагини огоҳлантириб ўтгани бежиз эмас.

Шундай бўлса ҳам, Даяннинг истеъфога чиқиши билан боғлиқ бўлган можаро — икки қузғуннинг тактик ихтилофлари натижасидан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблаб бўлмайди. Хабардор кузатувчиларнинг фикрича, Даяннинг истеъфога чиқиши Тель-Авив ўтказаётган агрессия ва территориал экспансия сиёсати натижасида Исроил бошига тушган жуда таг заминли ижтимоий-иқтисодий инқирознинг ошкор бўлишидир.

Исроил бюджетининг учдан икки қисми ҳарбий мақсадларга ва оккупация қилиб олинган араб ерларидаги Исроил манзилгоҳларини кенгайтиришга сарфланмоқда. Натижада мамлакатда пул кескин равишда қадрсизланиб бормоқда. Маҳсулотларнинг нархи йил сайин икки ҳисса ошмоқда. Бунга жавобан меҳнаткашлар Исроилнинг араблардан босиб олинган ерларни ўзлаштириш сиёсатига қарши узлуксиз иш ташламоқдалар ва оммавий намойишлар ўтказмоқдалар.

Айни вақтда араб аҳолиси Исроилнинг оккупация қилиб олинган ерлардаги босқинчилик сиёсатига кун сайин кучлироқ қаршилик қилмоқда. Исроиллик агрессорларнинг хиёнаткорона сиёсати бутун дунёда қаҳр-ғазаб ва норозиликка дучор бўлмоқда. Энди Исроил деярли бутунлай яккаланиб қолди. Ана шуларнинг ҳаммаси Исроилнинг ўзидаги халқ оммасининг норозилик ҳаракати кучайиши билан бирга қўшилиб, Тель-Авивнинг ҳукмрон доираларидаги зиддиятларни кескинлаштиришга, экспансиячилик сиёсатининг инқирозини янада чуқурлаштиришга олиб бормоқда.

Г. ШИШКИН,
(ТАСС).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ СОВРИНИ УЧУН ЧИРЧИҚ 1979

Енгил атлетика:

ЮГУРИШ ВА ЮРИШ МАРОМИ

Бугун Чирчиқда узоқ масофага югуриш ва спортча юриш бўйича «Совет Ўзбекистони» газетаси совринн учун республика очиқ биринчилиги мусобақалари бошланади.

Ўзбекистонда физкультура ва спортнинг, хусусан енгил атлетикани ҳар томонлама ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлаш юзасидан мунтазам тадбирлар белгиланмоқда ва амалга оширилмоқда. Яқинда ниҳоясига етган СССР халқлари ёзги VII Спартакиадасига тайёргарлик йиллари мобайнида енгил атлетикачиларимиз сафи кенгайди, спорт базалари мустаҳкамланди, маҳоратли спортчилар қаторига умидли ёшлар келиб қўшилди. Енгил атлетикачиларимиз кейинги йиллар мобайнида республика, мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилган мусобақаларда юқори натижаларга эришдилар. Вакилларимиз Москва Олимпиадасига тайёргарликнинг муҳим босқичи тарзида ўтказилган СССР халқлари Спартакиадаси баҳсларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, республика терма командасини мавқеининг мустаҳкамланишига муносиб улуш қўшдилар.

Ҳа, Ўзбекистонда спортнинг енгил атлетика турининг ривожланиб бораётганлиги табиий. Лекин, бу гапни енгил атлетиканинг барча турларига тааллуқли деб бўлмайди. Ҳозирча ёшларимиз енгил атлетиканинг сакраш, ўрта ва қисқа масофага югуриш, диск, ядро ва найза улоқтириш турлари бўйича яхши натижаларга эришиб, мухлисларни мамнун этмоқдалар. Чунончи томошабинларда катта қизиқиш уйғотувчи олис масофага югуриш ва спортча юриш бўйича ўтказилаётган мусобақалар кўнгилдагидек бўлмаяпти. Боиси енгил атлетиканинг ана шу тури республикамизда ҳали оммалашгани йўқ. Жойларда марафонча югуришга ёки спортча юришга ихлос қўйган спортчиларга етарлича эътибор берилмаяпти. Спортчиларнинг йирик анжуманларидан ҳисобланган Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадаси, ёшлар ўйинлари ва Спартакиада баҳсларида енгил атлетиканинг мазкур тури бўйича Ўзбекистон спорти шарафини ҳимоя қилишга арзигулик спортчиларни топиш ўзига хос муаммо бўлиб қоляпти.

Олисга чопар ҳамда тез юрар спортчилар ҳақида сўз борганда саноқли номлар ёдга келади. Жумладан 50-йилларда А. Буланов, 60-йилларда Б. Кочетков республиканинг кўзга кўринган спортчиларидан саналар эдилар. Улар ҳам ғолиблик супасига кўтарилишмаган бўлса-да, иттифоқ миқёсидаги мусобақаларда кучлилар қаторидан жой олиб, эътибор қозонганлар. Шу кунларда спортча юриш устаси С. Бантиқов СССР спорт мастери унвонини олган ягона енгил атлетикачи ҳисобланади. Шунинг учун республикада юриш ва югуриш бўйича мусобақалар ўтказишга алоҳида эътибор бериляпти. Биз катта-кичик мусобақалар кезлари Ўзбекистонда енгил атлетиканинг ана шу қизиқарли турига ҳавас қўйганлар кўплаб топилишини кузатдик. Лекин уларни тарбиялаш, маҳоратларини ошириш учун бизда мутахассислар етишмайди. Чунончи, Б. Кочетков, Е. Стаховец, Р. Муҳаммаджонов, А. Щербин, Р. Фозилакбаров, П. Жданов сингари тренерлар ёшларга устозлик қилиб турипшибди. Олисга югуриш ва спортча юриш бўйича мусобақалар ўтказишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор, албатта. Чунончи алоҳида жой танлаш, транспорт воситаларидан фойдаланиш спортчиларни жойлаштириш каби юмушлар мусобақа ташкилотчилари олдида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалардандир. Бундай пайтларда тренер-устозлар ўз ташаббуслари билан иш кўришга мажбур бўляптилар.

Енгил атлетиканинг марафонча ва спортча юриш т... рини ривожлантирин... оммавийлигини таъ... да ана шундай му... ни ҳал қилиш ... турган айни ... вет Ўзбекис... нинг маҳ... этиши а... Бугун к... лурглар ... анъанав... кўзда ... дорлик... куч си... Мараф... ча юр...

...очиқ биринчилиги иштирокчилари Ўзбекистоннинг деярли барча областларидан ташриф буюришди. Мусобақа иштирокчилари шахсий ва команда ҳисобида курашадилар.

Сирасини айтганда, спортнинг мазкур тури ўзига хослиги билан фарқ қилади. Чунки ёшлар 20 километрга спортча юриб, 30 километрлик масофага югурадилар. Бу айтишга осон, лекин спортчининг бундай олис масофани босиб ўтиши учун маром ва суръатнинг мутаносиблигига эришмоғи даркор бўлади. Агар югурувчи баҳс бошида кучини кўп сарфлаб қўйса, маррагача бир хил маромни сақлолмай қолиши мумкин. Баҳс бошида сусткашлик қилса, бошқалардан қолиб кетиб мақсадига етолмай қолади. Ана шунинг учун ғолиблик ...ртчилар тажриба...

Ҳамза номли Тошкент музика билим юртида 800 дан зиёд кишн таълим олмоқда. Билим юртида республика музика мактаблари учун ўқитувчилар тайёрланади.

Суратларда: (юқоридан) скрипкачилар ансамбли ва хор коллективи аъзолари машғулотда.

И. Глауберзон фотолари.

ТЕХНИКА ТАЛАБЛАРИГА КЎРА

26 октябрь куни Тошкентда ўз ишини тугатган қаттиқ жисмлар механоэмиссияси ва механохимиясига бағишланган Бутуниттифоқ симпозиумининг қатнашчилари полимерлар ва металларнинг ишқаланиш ва едирилиш, деформацияланиш ва емирилиш илмий жиҳатларини, бунда пайдо бўлувчи ҳодисалар характерини, бу ҳодисалардан техникада фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқдилар.

СССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, мамлакат ва республиканинг олий ва ўрта таълим министрликлари ташкил қилган бу мўътабар учрашувда 300 га яқин совет олимлари, шунингдек, ГДР, Венгрия, Польшадан келган мутахассислар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

АХБОРОТ

ХОРАЗМ

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Область ремонт-қурилиш тресги Янгиарик район участкаси қурувчилари яна бир объектни барвакт фойдаланишга топширдилар. 20 километрдан ортиқ узунликда водопровод қувурлари ётқизилиб, магистрал водопроводга уланди. Янгиариқ райони марказн ва Ленин номли колхоз хонадонлари водопроводдан сув ола бошладилар. Яқин вақт ичида ҳамма қишлоқларга водопровод тармоқлари ўтказилади.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Ҳазорасп пахта тозалаш заводининг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган типовой боғчасида фақат корхона ишчиларининггина эмас, район марказидаги ишчи-хизматчиларнинг ҳам ўғил-қизлари тарбияланмоқда. Заводда болалар боғчасини ва ишчилар ошхонасини йил бўйи гўшт, сут, сабзавот ва мева билан таъминлайдиган ёрдамчи хўжалик вужудга келтирилди. 40 бош зотли сигирнинг ҳар биридан бир йилда 4500 литр сут олиш кўзда тутилмоқда. Уларнинг сони юз бошга етказилади. Гўшт учун боқилаётган қорамол ва паррандалар ҳам кўпайтирилади. Ёрдамчи хўжалик 70 гектар экин майдонига эга. Ҳозир икки йилга етарли озуқа жамғариб қўйилди. Мева, узум, сабзавот ҳосили ҳам мўл бўлди.

ДИПЛОМЛИ ШИЙПОНЛАР

1979 йилги энг яхши дала шийпонлари область кўрик-конкурси якунланди. 16 та дала шийпони ва чорвадорлар хонаси конкурс ғолиби, деб топилди. Шовот районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг Х. Норматов бошлиқ бригадаси шийпони, Гурлан районидаги «Правда» колхози чорвадорлар хонаси биринчи даражали диплом ва телевизор билан тақдирланди.

ХОРАЗМ ҚОВУНИ — БАМга

Полизларда бу йил ковун-тарвуз мўл етиштирилди. Қардошлар дастурхонига ширин-шакар Хоразм қовунларини ортган вагонлар мамлакатнинг марказий районларига йўл олди. 15 минг тоннадан ортиқ қовун-тарвуз БАМ қурувчиларига ва Олтой ўлкаси ишчиларига жўнатилди.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ПИЛЛАДАН КИЛОМЕТРЛАБ ИПАК

Урта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институтида чиқарилган ипак қуртининг янги дурагайи узунлиги 1,4 километрга борадиган — одатдагидан икки баравар узун ипак ип беради. Унинг пилласи автоматларда жуда яхши тортилади, ипи эса одатдаги қурт пилласиникига нисбатан 25 процент ингичка.

Янги дурагайни Ўзбекистоннинг гурли областларида, шу жумладан янги қишлоқ хўжалик зоналари — Қарши, Жиззах чўлларида районлаштириш мўлжалланади. У индустриал ипакчилик комплексларида боқишга яхши мосланган. Республикада шундай комплекслар қурилмоқда.

Селекциячилар ипак қуртининг яна бир неча хил зотини синовларга тайёрламоқдалар. Бу зотнинг берадиган ипи технологик хоссалари жиҳатидан жаҳон стандартларининг талабларига тамомила мос келади.

(ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Телевизион бадиий фильм. 12.50 — Халқ оҳанглари. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Франция бўйлаб. 15.15 — Фильм-спектакль. 16.10 — Инсон Ер Коинот. 16.55 — Концерт. 17.05 — Киносаёҳатчилар ...убн. 18.05 — Мультфильм ...30 — Халқаро панорама ...5 — Бугун автомобиль ...спорти ходимлари куни ... — Музикали программа ... — Телевизион бадиий ... 21.30 — Время. 22.05— ... 23.10 — Ҳужжатли ...р.

...ЎЗБЕКИСТОН ...ВИДЕНИЕСИНИНГ ...ПРОГРАММАСИ

... — Янгиликлар. 10.10— ... 10.50 — Кинопро... ...2.00 — Қувноқ старт... — Оналар мактаби ...Қонон йигит. Бадиий ...45 — Буни ҳамма ...а уддалаши керак. ...Реклама. 18.20 — Уй... 18.50 — Ҳужжатли ...30 — Ахборот. 19.45 ...зион миниатюралар ...30 — Ахборот. 20.50 ...рт. 21.30 — Время. ...Хирмонингизга бара... — Биз — Жиззах...

...ҒИЗИСТОН ...ВИДЕНИЕСИНИНГ ...ПРОГРАММАСИ

... Фрунзе кўрсатувла...

...ТЯБРЬ, ДУШАНБА

...МАРКАЗИЙ ...ЕВИДЕНИЕНИНГ ...ОК» ПРОГРАММАСИ

... Время. 9.40 — Гим... 10.05 — Мультфильм ... Ўғилларимнинг куни ...фильм. 11.20 — Мўъ...-мўъжизалар. 12.20 ва ... Янгиликлар. 15.15 — ...ли фильм. 16.06 — Кон... 35 — Сиз яратган боғ ... Адабий ўқиш. 17.45 — ...адреслари. 18.55 — В. ... 9-симфония. 19.10 — ...длик. Тўртинчи йил ... Инсон ва қонун. 20.15 ...иб ёз. Кўп серияли ба...льм, 1-серия. 21.30 — ...22.05 — Қизил чинни...н шаҳрида бўлиб ўт...

...ган сиёсий қўшиқлар халқаро ёшлар фестивали. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.20 — Табиатшуносликдан ўқув кўрсатуви. 10.40 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — Ўзбекистонда куз. 11.50 — Комсомоллар отланганда. Бадиий фильм. 18.20 — Мактаб ўқувчилари учун. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Ленин комсомоли туғилган кунга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри ёш солистларининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20— Жангчи она алласи. Бадиий фильм. 23.30 — Баскетбол. «Университет» (Тошкент) — «Сож» (Гомель).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Кругозор. 19.30 — Совет турмуш тарзи. 20.00 — Янгиликлар.

РАДИО

28 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик қўшиқлар. 9.15 — Табассум радиожурнали. 10.45 — Янгра, созим. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Ҳосилдорлик муаммолари. 13.30— Автомобиль транспорти ходимлари учун концерт. 14.00 — Табаррук замин. 15.40 — Саҳна санъати усталари. 17.40 — Дуторда А. Қосимов чалади. 18.15 — Ёшлик. 20.25 — Классик қўшиқлар. 21.00 — Табассум. 22.28—Автомобиль транспорти ходимлари учун концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

29 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Совет турмуш тарзи. 9.30 — Ялла. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чўпон ўйлари. 13.30 — Композитор Олег Иванов қўшиқлари. 14.00 — Пахтазор — мардлар майдони. 18.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.50 — Ёшлик. 20.25 — Ўзбек халқ куйлари. 21.00 — Фан ва ишлаб чиқариш. 21.15 — Москва. 22.28 — Куйла. 18 ёшлигим. 23.20 — Дам олиш концерти.

...Р Транспорт қурилиш ...министрлигининг

...А ОСИЁ МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

Темир йўллар қурилишида, кейинчалик БАМ, Сибирь, РСФСР, Қозоғистон ва Урта Осиёдаги зарбдор комсомол қурилишларида ишлаш учун

Тошкент техника мактабининг котлован қазиш машиналари ва мотовозларнинг машинистларини тайёрлайдиган 6 ойлик курсларига ҳамда ВПО-3000 (тўғрилаш-пардозлаш машинаси) машинистларини тайёрлаш курсларига

эркакларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф ҳажмида маълумотли шахслар 18 ёшдан бошлаб имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Ўқиш рус тилида олиб борилади. Ўқиш даврида 76 сўм стипендия тўланади. Бошқа шаҳардан келганларга техника мактаби ҳузуридаги ётоқхонадан жой берилади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Техника мактабини битирганларга 4-разрядли машинист малакаси берилади.

Мурожаат учун адреслар: Тошкент шаҳри, Венгерская кўчаси, 29-уй (66, 85-автобусларнинг «Мактаб» бекати) ёки Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 11-уй, «Средазтрансстрой» трестининг техника мактаби (вокзалдан 9, 11, 24-трамвайлар билан «Киров номли боғ» бекатигача борилади).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»

транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда «С» категорияли 3 класс ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5 ой. Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент области Бектемир шаҳри Лихачев кўчаси, 2-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида 28 декабрдан 13 январгача

ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАК ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

(2 бўлимдан иборат)

ҚАТНАШАДИЛАР:

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, БУРАТИНО, КАРАБАС-БАРАБАС, САМОДЕЛКИН, БИЛМАСВОЙ, ҚАЛАМ, ПАРИШОНХОТИР ОДАМ ВА БОШҚА КУПЛАБ ОММАБОП ЭРТАКЛАРНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист, цирк санъати янги асарлари Бутуниттифоқ кўригининг лауреати

Анатолий КОРНИЛОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ «Қувноқ одамчалар ҳинд филларининг меҳмони» АТТРАКЦИОНИ

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Билетлар 15 ноябрдан бошлаб сотилади.

Касса соат соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефон: 44-35-91, 44-35-84.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/X да **Золушка** (12.00), **Риголетто** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/X да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (12.00), **Ешлар куйлайди** (19.30). 29/X да **Ужарлар.**

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ректорати, партия ва маҳаллий ташкилотлари химия факультети деканининг ўринбосари, доцент Қ. Н. Аҳмедовга отаси **Неъматулла АҲМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг республика қурилиш тресги коллективи трест бошқарувчиси Ғ. А. Аҳмедовга онаси **Саодат ВАЛИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000. Тошкент—П Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР редактор — 33-65-45 32-53-04 редактор ўринбосарлари — 33-79-14 32-53-05 33-06-83 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-35 32-55-05 секретариат — 33-72-83 32-53-06; БЎЛИМЛАР партия турмуши — 33-34-69 32-53-97 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70 халқ хўжалиги — 32-54-18 саноат транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80 32-53-14 32-54-09 қишлоқ хўжалиги — 33-76-04 32-53-15 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36 32-54-35 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26 фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51 32-57-21 32-54-24 ахборот ва спорт — 33-14-24 32-55-17 32-54-26 32-54-27 хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43 33-35-53 32-53-18 32-53-20 32-53-21 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22 коммунистик тарбия — 32-54-29 стенографистка — 33-73-43 32-54-05 жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62, Тошкент —32-53-20, Самарқанд —5-19-71 Сирдарё — 2-09-70, Сурхондарё — 3-55-35, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42, Қашқадарё — 61-35, Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66 Нашриёт диспетчери — 32-78-94 Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.